



O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo‘rg‘on tumani, O‘zbekiston shoh ko‘chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@exat.uz

2021 -yil “ 9 ” март

Қ-348 -son

Qumqo‘rg‘on t.

**Тумандаги “ZOHIR FAYZ BOG'LARI” номли
боғдорчиликка ихтисослашган фермер
хўжалигини ташкил этиш ва ижарага ер
майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 6, 53-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 10, 11-моддаларига мувофиқ, Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 10, 25-моддаларига асосланиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг 2021 йил 5 мартдаги 5-сонли йиғилиш баённомаси тасдиқлансин.

2. Ўтказилган танлов якунига асосан ғолиб деб топилган Хасанов Сайриддин бошлиқ “ZOHIR FAYZ BOG'LARI” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этилсин ва унинг Низоми рўйхатга олинсин ҳамда “Ўзбекистон” массиви “Тўда” маҳалла фуқаролар йиғини худудида хўжалик харитасида 398к, 399к, 376к, 397, 898, 897-контурларда жойлашган 50,0 гектар, шундан 46,13 гектар яйлов ер майдони, 1,82 гектар боғ, 0,05 гектар ариқ, 0,50 гектар йўл, 1,50 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ер майдони 40 (қирқ) йил муддатга ижарага ажратиб берилсин.

3. Кадастр агентлиги Қумқўрғон туман бўлими бошлиғи Х.Йўлдошевга туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш, фермер хўжалиги ва туман ҳокимлиги ўртасида ер участкасини узоқ муддатга ижарага олиш шартномасини расмийлаштириш вазифаси юклатилсин.

4. Туман Давлат хизматлари маркази раҳбари Ш.Бўтаевга фермер хўжалигини Давлат рўйхатига олиш вазифаси юклатилсин.

5. Фермер хўжалиги раҳбарига ўз хохишига кўра тижорат банкларининг биридан ўзининг ҳисоб рақамини очиш тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимлиги девонхона бўлими (Ш.Чориев)га мазкур “ZOHIR FAYZ BOG'LARI” номли боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжалигини ташкил этиш тўғрисидаги қарор нусхаларини тегишли ташкилотларга етказиш вазифаси юклатилсин.


7. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг Қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари Қ.Алматов зиммасига юклатилсин.

8. Мазкур қарорнинг тасдиғи вилоят ҳокимлигидан сўралсин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров



Қумқўрғон туман хокими
Р.Гаппаровга

Қумқўрғон туман “Исломобод”
махалласида яшовчи фуқаро
Хасанов Сайриддин Жўрақобилевич
томонидан

АРИЗА

Ёзаман ушбу аризани шу ҳақдаким, мен Хасанов Сайриддин Жўрақобилевич 2006 йилдан буён қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлаб келмоқдаман. Янгидан фермер хўжалиги ташкил этиб томчилатиб суғориш йўли билан интенсив мевали боғ яратишим учун туман хокими захирасидаги яйлов ерлардан 10 лойихадаги 398, 399, 376, 397, 898, 897 ушбу контурлардаги жами 50 гектар ер майдонларидан фермер хўжалиги ташкил этишимда амалий ёрдам беришингизни илтимос қилиб сўрайман

Хасанов Сайриддин Жўрақобилевич 

Сана 27.02.2021 йил

| | |
|-----------------|------------|
| ҚУМҚУРҒОН ТУМАН | 7550201001 |
| КИРИШ № | 497/01-41 |
| САНАСИ | 27.02.21 |

| |
|-------------------|
| ҚУМҚУРҒОН ТУМАН |
| ЕР RESURSLARI VA |
| DAVLAT |
| CADASTRI BO'LIQI |
| KIRIM № 01-01/145 |
| SANA 27.02.2021 |

Surxondaryo viloyati Qumqo'rg'on
tuman fermer, dehqon xo'jaliklari va
tomorqa yer egalari Kengashi

190900, Surxondaryo viloyati, Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shox
ko'chasi 3-uy



Сурхондарё вилояти Қумқўрғон
туман фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер
эгалари Кенгаши

190900, Сурхондарё вилояти Қумқўрғон тумани, Ўзбекистон шох
кўчаси 3- уй

2021 йил « 01 » март

Қумқўрғон тумани

№ 149

Сурхондарё вилоят Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг Қумқўрғон туман “Исломобод” маҳалласида яшовчи фуқара Хасанов Сайридинга боғдорчилик фермер хўжалиги ташкил этиш учун ер майдони олишга муносиб ёки номуносиблиги ҳақида.

ХУЛОСАСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 15-декабрдаги “фермер хўжаликларини юритиш учун берилган ер участкалари майдонларини мақбуллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 362-сонли қарорига кўра, фуқаро **Хасанов Сайридинга** фермер хўжалик юритиш учун ер майдони (участкалари) берилишига муносиб ёки номуносиблиги бўйича, Қумқўрғон тумани фермерлар Кенгаши хулоса бериш учун ўтказган суриштирув текширув натижасида қуйидагиларни аниқлади:

1. Мехнат дафтарчасига кўра иш стажи 15 йил. Қишлоқ хўжалигида тажрибаси бор.
 2. Маълумоти ўрта.
 3. Талабгорнинг 15 бош қорамоли ва 35 бош қўйи мавжуд.
 4. Талабгорнинг 2 та лабо автомашинаси мавжуд.
 5. Талабгорнинг 4 та ишчи кучи мавжуд.
 6. Талабгор мавжуд томорқасида сабзаёт экинлари экиб самарали фойдаланиб келмоқда.
 7. Талабгорнинг иқтисодий асосланган бизнес режаси мавжуд.
- Юқоридагиларга кўра, туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши қуйидаги хулосага келди.

Қумқўрғон тумани “Чўкирли” маҳалласида яшовчи **Хасанов Сайридинга** Ўзбекистон ҳудудидан боғдорчилик фермер хўжалиги юритиш учун ер майдони (участкалари) ажратилишига муносиб.

Ушбу хулоса аризалар билан биргаликда туман “Ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси”га юборилсин.

**Қумқўрғон тумани фермер, деҳқон
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари
Кенгаши раиси:**

497/01-41
27.02.2021 й

А.Самадов